

ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ачилов Шохрухбек Шарибжон ўгли

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Таълим ва тарбия назарияси ва методика кафедраси таянч докторанти.

Аннотация: Ушбу мақолада чет тилларни ўқитишда лексик компетенцияни такомиллаштириш бўйича педагогик технологияларни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш хақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Лексик компетенция, коммуникатив компетенция, педагогик технологиялар, инновация, ихтиро ва ютуқлар, оғзаки (маъруза), ёзиш (ўқиш), визуал ва оғзаки, фаол қатнашишни талаб қилувчи ролли ўйинлар.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛЕКСИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ

Ачилов Шохрухбека Шарибжанович,

Узбекский государственный университет мировых языков, докторант кафедры теории и методики образования и обучения.

Аннотация: В данной статье речь идет о формировании, развитии и совершенствовании педагогических технологий совершенствования лексической компетенции при обучении иностранным языкам.

Ключевые слова: Лексическая компетентность, коммуникативная компетентность, педагогические технологии, инновации, изобретения и достижения, устная речь (лекция), письменные (чтение), наглядно-словесные, ролевые игры, требующие активного участия.

PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES FOR IMPROVING LEXICAL COMPETENCE

Achilov Shokhruxbek

Uzbekistan State University of World Languages Doctoral student of the Department of Theory and Methodology of Education and Training.

Annotation: This article deals with the formation, development and improvement of pedagogical technologies for improving lexical competence in teaching foreign languages.

Keywords: Lexical competence, communicative competence, pedagogical technologies, innovations, inventions and achievements, oral speech (lecture), written (reading), visual-verbal, role-playing games that require active participation.

Ҳозирги давр учун долзарб бўлган илғор педагогик технологияларни қўллаб дарс ўтиш самарасини таълим тизимида эришилган ютуқлардан билиш мумкин. Дарсларда илғор янги педагогик ва интерактив технологияларни қўллаш замон талабидир. Бу масала билан А. В. П. Беспалько, Н. В. Козлова, С. Лазарева, И. В. Курьшева, Т. И. Матвиенко, Е. В. Рогинко, Р. С. Рафикова, М. Н. Каурцев, Е. В. Горшкова, М. А. Смирнов, М. И. Винокурова, Ушбу жараён негизи бўлган таълим технологияларини таълим тизимига жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш ўқитувчининг тайёргарлик даражасини биринчи навбатда ҳал қилиш ҳам бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Шу билан бирга ўқитувчи зарур натижаларга эришиш учун интерактив методларни дарсда талабалар билимини такомиллаштириш учун қўллаши жуда муҳим.

Ўқитиш асрлар давомида маълум билимлар мажмуини эгаллашдан иборат бўлиб келган эди. Бугунги кун таълим тизими олдида янги ахборотни мустақил қабул қилиш, баҳолаш ва тегишли қарорларни қабул қилишга қодир бўлган ижодкор шахсни тарбиялаш вазифасини қўяди.

Таълимдаги инновация фақат бугунги давр хусусиятига хос эмас, бироқ уни педагогик категория сифатида жуда ёш деб ҳисоблаш мумкин.

Кўпинча инновация атамаси ўрнига унга яқин турдаги атамаларни ҳам ишлатишади. «Инновация» (янгилик) луғатларда ва энциклопедияларда турлича талқин қилинади. Масалан «инновация» (лотинча *inovatis*)- бу янгилик, янги тартиб қоида, ўзгариш деган маънони англатади. Инновация бирон-бир янги нарсани янги тартиб қоидани киритишни англатиб, у лотинча *in-*

novis сўзларидан олинган бўлиб, янгилашиш, янгилик, ўзгариш деган маънони беради. Ушбу терминни яна янгилик киритиш, янгиликдир деб ҳам аташ мумкин [7:51].

Янгилик бу техник, технологик, ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. Таълим жараёнига ҳам бу янгиликлар замон талабларига кўра аллақачон кириб келган. В.П. Беспалько “В практику обучения, как и в любую практику человека должны постоянно хорошо спроектированные технологии, гарантирующие планируемый эффект обучения и воспитания” - деб таъкидлайди. 70-80 йилларда АҚШ да юзага келган педагогик технологиянинг оқими деярли барча ривожланган мамлакатларга тарқалди, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот томонидан тан олинди, кўллаб-қувватланди ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилди. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари, ўқитишга технологик ёндашувдан фойдаланиб, талабаларнинг дарсларни ўзлаштиришини оширишда сезиларли муваффақиятларга эришилган.

Бизга маълумки, 3 та таълим тури бор. 1) Оғзаки, 2) кўргазмали, 3) педагогик технологияли изланувчи ёндашув. Янги педагогик технологиялардан фойдаланганда бир неча усулларни кўллаш мумкин.

- талабалар учун кизиқ муаммони ўртага ташлаш;
- кўрилатган вазиятдаги қарама-қаршиликни бўртириб талаба онгига етказиш;
- ушбу муаммодан келиб чиқиб ижодий масалани шакллантириш.

TACIS дастури ўқув курсларини режалаштиришга мувофиқ ўтказилган кузатувлар шуни кўрсатадики, таълим самарадорлиги:

- талабалар бир-бирини ўқитганда - 95%
- маърузада - 5%
- ўқишда - 10%
- мунозарада - 50%
- амалий машғулотларда - 75% бўлади [150].

1. Янги- янги усуллар бўйича ўқитиш ахборотни қай даражада етказа олиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Дарслар таҳлиллари шуни кўрсатадики, талабаларнинг дарсларни ўзлаштириш фоизлари қуйидагича бўлади [150].

Билимларни қабул қилиш қобилиятининг давомийлиги

	3 соатдан сўнг	3 кундан сўнг
Оғзаки (маъруза)	25%	10-20%
Ёзиш (ўқиш)	72%	10%
Визуал ва оғзаки	80%	65%
Фаол қатнашишни талаб қилувчи ролли ўйинлар	90%	70%

Мана шу кўрсаткичларга эришиш учун талабаларни илғор педагогик технологияларни қўллаб ўқитиш зарур. Бу ерда компьютер технологиялари тўғрисида ҳам гапирмасдан илож йўқ. Чунки, чет тилларни ва компьютер технологияларини пухта ўзлаштириш олий маълумотли мутахассис учун зарур. Миллий дастурга мувофиқ кадрларни тайёрлашда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва информатсион технологияларни, интерфаол усулларни киритиш ҳисобланади [2]. Олий ўқув юртларида қўлланилаётган информатсион технологияларга электрон дарсликлар, мультимедиа системаси, электрон кутубхона, ички тармоқ, интернет, маълумотлар базаси, электрон доска, масофада ўқитиш учун камералар, телеконференция системаси ва ҳақозолар киритилган [64:69]. Ушбу техник жараёнлардан фойдаланиш ўқитувчидан янада кўпроқ билим, маҳорат талаб қилади. У ўз устида янада кўпроқ ишлашга мажбур бўлади ва изланади. Ҳозирда биз фаол қўллашга ҳаракат қиладиган янги усул Moodle тизими (<http://www.moodle.org>) – веб-сайтда ўқитиш ва он-лине режимидаги дарсларни ташкил қилувчи илова. Бу проект таълимга конструктив қарашни тарқатиш учун ишлаб чиқарилган.

Қисқача қилиб қуйидагиларни тахмин қилиш мумкин:

- Янги билимлар олдинги олинган билим ва индивидуал тажрибалар асосида олинади.
- Ўқув жараёнида ўқувчи олган билимини бошқаларга тушунтириб беришида кўпроқ самарага эга. Бу ерда ҳам чат, хабарлар алмашинуви, форум коммуникатив элементлар бор

Олий ўқув юртларида бошланғич босқичда чет тилларни ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш жуда муҳим, чунки “С каждой педагогической эпохой труд педагога ста-

новиться благодаря совершенствованию педагогической технологии посыльным для все более широкого круга, а его эффективность повышается. ”В.С.Беспалько педагогика тарихига таяниб уни бешта даврга ажратган ва ҳозирги вақтни “педагогик технологиялар”ни қўллайдиган бешинчи даврга киритган.

Чет тилда коммуникатив фаолиятга ўргатишнинг талабалар учун ижобий томонлари кўп. Интерактивные методы, направленные на развитие личности студента, формирование профессиональных качеств и способностей к интеллектуальной и коммуникативной деятельности значительно повышают качество обучения иностранному языку в профессиональном контексте.

Хорижий тилларни ўрганишда интерфаол дарслар ўтишда замонавий электрон луғатларнинг ҳам афзал томонлари кўп. Улар кўп сонли ва тезкор ахборот олиш имконини беради. Интерактивные умения как способность пользоваться интерактивными знаниями и творческой деятельности в процессе интерактивного взаимодействия, организованного между педагогом и обучающимися. Албатта ўқитувчи интерфаол дарсларда кузатувчи, бошловчи ва қатнашувчи сифатида иштирок этади. Инновация таълим технологиялари олий таълим тизимини модернизациясида муҳим ўрин тутди.

Малакали ўқитувчи	Малакасиз ўқитувчи
Ўқиш амалий томонига эътибор беради.	Назарияга эътибор беради.
Ҳамкорликни мақтайди.	Талабадан ўзини юқори қўяди.
Стрессни камайтиришга ҳаракат қилади.	Тез-тез стресс ҳолати яратади.
Ўқув жараёнига ёрдам берувчи шахс.	Ўзини ягона ахборот манбаи деб ҳисоблайди.

Таълимга технологик ёндошув – шахсга йўналтирилган, ишбилармонлик ўйинлари, муаммоли, табақали ўқитиш, ҳамкорлик педагогикасидан иборат ва талабани табиий имкониятлари, қобилияти, қизиқишлари эҳтиёжи ўқитиш натижалари бўлади.

Малакали ўқитувчи Малакасиз ўқитувчи

Ўқиш амалий томонига эътибор беради. Назарияга эътибор беради.

Ҳамкорликни мақтайди. Талабадан ўзини юқори қўяди.

Стрессни камайтиришга ҳаракат қилади. Тез-тез стресс ҳолати яратади.

Ўқув жараёнига ёрдам берувчи шахс. Ўзини ягона ахборот манбаи деб ҳисоблайди.

Ўқитувчилар ушбу жараённинг энг фаол иштирокчиси бўлиб, дарс жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланишлари, жамият учун зарур бўлган малакали мутахассисларни етказиб беришда муҳим ўрин тутди. Испан тилида дарс ўқитиш стратегиялари ёрдамида талабалар сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг сўз ясаиш моделларини ва антонимларини билиб олиш малакасини ҳосил қилишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Экспериментал машқлар тизимининг асосий мақсад ва вазмфалари сўз ясовчи аффикслар асосида маънони ифодалаш усулидан фойдаланиш асосида сўз ясаишида транспозицион ва функционал ўзгаришларни фарқлаш ва ифодалаш учун испан тилининг мунтазамлиг даражаси юқори бўлган аффиксларидан фойдаланиш талабаларнинг билимларини рецептив ва репродуктив даражада кенгайтириш ва фаоллаштириш жумладан турли хил хатоликларнинг (орфографик, фонетик ва бошқалар) олдини олиш учун сўз ясовчи моделнинг ўзига хос хусусиятларини тушунишни яхшилашга ёрдам беради.

Тажриба синов ишлари учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган, испан тилининг аффикс моделлари асосида лексик компетенцияни такомиллаштиришга қаратилган ва методик мақсадларда асосий восита сифатида ишлаб чиқилган экспериментал машқлар тизими кириш ва асосий қисмдан иборат бўлиб унда машқларнинг асосий қисми сўз ясалашида содир бўладиган транспозицион ва функционал жараёнларни тушунишга ҳамда босқичма-босқич жорий этишга қаратилган. Сўз ясаиш моделларини етарли даражада ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш, мустақил равишда сўз ясаишини тушуниш ва бошқариш усулини амалга оширишни таъминлайди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ :

1. Alba Quiñones, Virginia. La competencia léxica. Una propuesta de actividades sobre los

campos léxicos para las clases de ele. revista didactica español.http://marcoele.com/descargas/13/alba_competencia_lexica.pdf.

2. В.П.Беспалько. Слагаемые педагогической технологии. –М., Педагогика,1989. -192 стр .
3. В.П.Беспалько. Слагаемые педагогической технологии. –М., Педагогика,1989. -27 стр .
4. Е. В. Рогинко.Интерактивные методы обучения студентов иноязычному профессиональному общению на основе текстов по специальности (английский язык; технический вуз)тема диссертации и автореферата.
5. Н. В. Козлова. Методика использования интерактивных приемов в обучении немецкому языку студентов языковых вузов. Автореф.диссертации 2008.
6. Толипов У.К. Педагогические технологии развития общетрудовых и профессиональных умений и навыков в системе высшего педагогического образования.:Автореф.дис....докт. пед. наук. –Т.,2004.-51 с.
7. Жамол Жалолов. Чет тил ўқитиш методикаси.чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. қайта ишланган ва тўлдирилган 2 - нашри.“ўқитувчи” нашриёти. тошкент 2012 й. 395 – бет.
8. Ҳожиёв А. Олий ўқув юртларининг филология факультетлари студентлари учун қўлланма. – Тошкент, Ўқитувчи, 1989. 170 б.
9. Хащенко Т.Г., Макарова Е.В. Интерактивные методы обучения в образовательном процессе вуза. – ульяновск, 2011. 46 б.
10. <http://www.moodle.org>